

БОЛАЛАР АДАБИЁТИ - Бадиий ижоднинг болалар ва ўсмирларга багишланган қисми шу истилоҳ билан аталади. Жаҳон халқлари, шу жумладан ўзбек болалар адабиётидаги топишмоқ, тез айтиш, ўйин кўшиқлари, ривоят, афсона, эртак, масал ва дос-тон каби асарларнинг аксарияти болалар учун яратилган халқ оғзаки ижоди намуналари заминидан юзага келган. Болалар адабиётини бевосита болаларга мўлжаллаб яратилган ва катталар учун ёзилиб, ёш китобхонлар томонидан ҳам севиб ўқиладиган асарларга ажратиш мумкин. Назарда тутилган китобхоннинг ёши ва билим савиясига мўъноси ва ҳаёлий манзараларни шу ёшдаги болалар учун тушунарли тил, шакл ва тасвирий воситалар орқали жонлантириш болалар адабиётининг муҳим шартларидан биридир. Масалан, кичик ёшдаги болалар учун яратилган асарларда тасвир кўпинча кўрғазмали характерда бўлса, юқори синф ўқувчилари ёки академик лицей ва касб-ҳунар коллежалари талабаларига мўлжалланган ижод намуналарида эса қаҳрамонлар ҳаёти, табиат, жамият ҳодисалари нисбатан мураккаб, барча ранг ва туйғулар хилма-хиллиги билан ифодаланади. Мана шундан келиб чиқиб, болалар адабиёти уч қиёмга бўлинади: 1) мактабгача тарбия ёшидаги (3-6 ёш) болаларга мўлжалланган адабиёт; 2) мактаб ёшидаги кичик болалар учун яратилган асарлар (7-12 ёшлилар); 3) ўрта ва катта ёшдаги болалар (13-18 ёшдагилар)га мўлжалланган адабиёт.

Ўзбек болалар адабиётининг шаклланиши ва тараккиётида Абдулла Авлоний, Ҳамза, Элбек, Г.Ғулом, Ойбек, Х.Олимжон, Ғайратий, Зафар Диёр, Пўлат Мўмин, Қуддус Муҳаммадий, Ёқубжон Шуқуров, Қудрат Хикмат, Асқад Мухтор, Худойберди Тўхтабоев, Латиф Махмудов, Турсунбой Адашбоев, Анвар Обиджон ва Ҳамза Имомбердиев каби адибларнинг ҳиссалари каттадир. Жамиятимиз келажакда бўлмиш болаларнинг билимли, одобли, Ватанга садоқатли, ота-она олдида бурчдор, ўз даврининг фаол фуқаро бўлиб улғайишини таъминлашда болалар адабиётининг роли бекиёсдир.